

**ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛА ХУҚУҚ –ТАРТИБОТ
МАСКАНИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ**

Шомуротов Достон Зокиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси

ИИБ Академияси

3 босқич курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг мақсади, вазифалари ва хусусиятлари ёриилган. Бундан ташқари профилактика инспекторининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти доирасидаги нормаларнинг амалиёт таҳлили ҳамда ушбу фаолият доирасидаги юритиладиган процессуал ҳужжатлар, профилактика инспекторининг маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш бўйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор хорижий тажрибиси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Таянч сўзлар: Маҳалла-ҳуқуқ тартибот маскани; ҳужжатлаштириш; маълумотнома; ахборот маълумотномалари; таҳлилий маълумотномалар; ахборот-таҳлил хати; баёноат хати; таҳлилий шарҳ; доклад; ахборот сводкаси; таҳлилий ҳисобот; таҳлилий мақола.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, юртимизда ички ишлар органлари тизимида олиб борилаётган ислохотлардан фуқароларни ва жамиятни террорчилик, кўпоровчилик хуружидан барча шаклдаги экстремизм, уюшган жиноятчилик каби жиноятчилик кўринишларидан ишончли ҳимоя қилишни таъминлайдиган тизимини шакллантириш ички ишлар органларини шахс ҳуқуқлар ва эркинликларини, жамоат тартиби ва фуқаролар ҳавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантиришни асосий мақсад қилиб қўйди. "Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани" - бу шаҳар туман ички ишлар бошқарма (бўлимлари)нинг белгиланган маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, жиноятчиликка қарши кураш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ички ишлар органлари тармоқ хизматларининг ҳамда улар билан давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган, узликсиз фаолият кўрсатувчи асосий қуйи бўғин ҳисобланади. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани кеча – кундуз хизмат кўрсатиши фуқароларнинг уларга сутканинг исталган вақтида ўз дарди ташвиши билан мурожат қилишларига имконини беради.

Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш профилактика инспекторларининг ички ишлар органларининг патруль – пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш келиш ва фуқороликни расмийлаштириш, ёнгин хавфсизлиги, қўриқлаш, тергов, жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш хизматлари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик тузилмалари, корхона, ташкилот ва муассасалар билан узвий ҳамкорлиги асосида таъминланади.

Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда бугунги кунда ҳам камчиликлар ва муаммолар талайгина. Мазкур камчиликлар ва муаммолар ички ишлар органлари ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини бошқаришнинг турли қирраларига тааллуқли бўлиб, уларни бартараф этиш нафақат амалий чора – тадбирларни амалга ошириш, балки комплекс ва чуқур илмий тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021йил 2 апрелдаги ПҚ 5050 сонли "Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида" ги қарорлари асосида "Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани тўғрисида" ги низом тасдиқланди. Ушбу низомга асосан туман (шаҳар) ҳокимлари ҳар ойда маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига раҳбарлик қилаётган профилактика катта инспектори билан шахсан учрашиб, ҳудудда жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасида аниқланган муаммоли масалаларни биргаликда ҳал этиш чоралари белгиланди ва бир ой муддатда бевосита жойларга чиққан ҳолда профилактика инспекторлари томонидан ҳар бир оила ва хонадондаги муҳитни, шунингдек , ҳуқуқбузарликлар содир этилишига таъсир этувчи ижтимоий, инфратузилма ва бошқа муаммоларни ўрганиш ҳамда бартараф этиш бўйича "Хавфсиз хонадон" ва "Хавфсиз ҳовли" тизимлари йўлга қўйилди. Бунинг натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига олиб келадиган шарт – шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта қўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жиноий вазиятни сезиларли даражада соғломлаштириш таъминланади .

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканининг фаолияти давомида унинг моҳиятини тушуниш, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда, табиийки, турлича ёндашувлар ва ўзига хос қийинчиликлар кузатилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ нинг илгари қабул қилинган, сўнра янгисига алмаштирилган ва амалдаги буйруқларида ҳамда олиб борилган илмий – тадқиқот ишларида "маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани" тушунчасига турлича тариф бериш, унинг моҳиятини турлича талқин қилиш холлари кузатилади.

Профилактика инспекторининг махалла ҳуқуқ-тартибот масканиларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини ташкил этиш тўғрисида фикр юритар эканмиз, бунда энг аввало улар фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаб олсак, махалла ҳуқуқ тартибот масканиларининг инфратузилмаси такомиллаштиришга оид асосий чора-тадбирларни белгилашимизда, улар фаолияти самарадорлигини оширишда, ҳар бир ҳуқуқ тартибот масканининг жойлашган жойи шароитларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишга ёрдам беради.

Профилактика инспекторининг махалла ҳуқуқ-тартибот масканиларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини ташкил этиш тушунчаси – ваколатли органлар томониданишки ишлар органларининг ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш фаолиятида профилактика инспекторларининг иш шароитларини яхшилаш, яъни ички ишлар органлари махалла ҳуқуқ-тартибот масканиларининг жойлашган биносидан то ўша ҳуқуқ-тартибот масканида профилактика инспекторларининг фаолият юритиши учун зарур барча жихозлар ва шарт шароитлар билан таъминлаш фаолияти тушунилади.

Профилактика инспекторининг махалла ҳуқуқ-тартибот масканиларида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятини ташкил этишдан мақсад – аввало, профилактика инспекторларининг иш олиб боришлари шароитларини яхшилаш орқали, уларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курушиш фаолияти самарадорлигини оширишдир. Маълумки ҳар бир соҳада ҳам фаолият олиб бориш учун зарур шароит ва керакли жихозлар етарли даражада бўлса ўша ишдаги унумдорлик юқори даражада бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ички ишлар органлари махалла ҳуқуқ тартибот масканилари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида сезиларли даражада муваффақиятларга эришиш мумкин бўлади ва шу мақсадда ушбу вазифани тўлиқ даражада амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ўз фаолиятини профилактика катта инспекторлари ва профилактика инспекторлари таркибида амалга оширадидлар. Ҳуқуқ-тартибот маскани фаолиятини ташкил этиш учун ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкин. Профилактика инспекторлари ўз зиммаларига юкланган вазифа ва функцияларнинг талаб даражасида ва самарали бажарилиши учун масъулдирлар.

Ҳуқуқ тартибот маскани субъектлари жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини одатий ва мураккаб шароитларда амалга ошириши мумкин. Ҳуқуқ тартибот маскани субъектларининг одатий шароитда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти кўчалар, хиёбонлар, бозорлар ва бошқа жамоат жойларида; мураккаб шароитда эса, оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда, оммавий тартибсизликлар юзага келганда, турли кўринишдаги фавқулодда вазиятларда тартибни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг белгиланган

ҳуқуқ ва одат нормаларига риоя этишини таъминлашда намоён бўлади. Қуйидаги асосий тушунчаларни ёритиб ўтиш лозим:

а) маълумотнома – ечим талаб қилувчи савол ёки муаммо бўйича ахборотни ўзида акс эттирувчи ҳужжат.

б) ахборот маълумотномалари:

воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги (маълум бир факт, воқеа, ҳодисанинг тор йўналишдаги тавсифи) ;

ҳолат, вазият, аҳвол ҳақидаги (ҳолатнинг сабаби, манбаси, натижаси, оқибати ва ривожланиш тенденциясини ҳисобга олган ҳолда тавсифлаш);

ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги (замон ва макон нуқтаи назаридан тавсифлаш, ҳолатни унинг тенденцияси, натижаси ва ривожланиш оқибатларини турларга бўлиш) ;

ҳаракат, тадбир, фаолият ҳақидаги (фаолият мазмуни, характери, иштирокчилари, натижа ва оқибатларини тавсифлаш) ;

Ташкилот ёки шахс ҳақидаги (мазмуни ҳужжатда мўлжалланган вазифадан келиб чиқиб тавсифланади).

в) таҳлилий маълумотномалар:

бирор бир масала ёки муаммо юзасидан таҳлилий маълумотнома (муаммони ёритиш, таҳлил қилиш ва уни ҳал этиш бўйича таклифлар);

текширув натижаси бўйича хулоса (маълумотнома) (назораттекширув тадбирлари натижаси бўйича тузилади).

г) ахборот-таҳлил хати - муаммо ва амалга оширилган иш юзасидан аниқ ва қисқа тавсиф беришни назарда тутати.

д) баёнот хати – раҳбарият эътиборини долзарб муаммога жалб қилиш мақсадида тайёрланиб, мазкур муаммони ҳал этиш бўйича таклифлардан иборат бўлади.

е) таҳлилий шарҳ – тез танишиш учун мўлжалланган бўлиб, унда муаммоли вазиятни комплекс равишда ўрганиш, аниқ муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни ҳал этиш йўллари бўйича таклифлар акс эттирилиши лозим.

Маълумотнома ва мақолалардан фарқли равишда, шарҳ комплекс ва ҳажмли характерга, таҳлилий жиҳатга (таҳлил билан алоқадор) эга бўлиб, унда турли нуқтаи назарлар солиштирилади ва шахсий баҳолар шакллантирилади.

ж) доклад – аниқ саволлар, хулосалар баён этилган, муаммо кўрсаткичлари санаб ўтилган ва уларни ўзаро боғловчи хулосалар, шунингдек саволлар ечими бўйича таклифлар акс эттирилган ҳужжат.

з) ахборот сводкаси (воқеа, ҳодиса ва вазият бўйича) – маълум вақт давомида содир бўлган воқеа ва ҳодисалар, вазиятнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда воқеалар ривожини тўғрисидаги маълумотларни бирлаштириш.

и) таҳлилий ҳисобот – тадқиқот объектининг ахборот маконини баҳоловчи кўрсаткичлар мажмуини тавсифлайди. Қисқа ёки кенгайтирилган таҳлилий маълумотномалар илова қилинган ҳолдаги диаграммалар, чизмалар ва

жадваллардан иборат бўлади. Ҳисоботнинг якуний қисмида хулоса ва тавсиялар ифодаланилади.

к) таҳлилий мақола – муайян иш таҳлили натижаси бўйича ёки маълум бир усулдан фойдаланиш орқали тўпланган маълумотларни ўрганиш ва умумлаштириш асосида ўтказилган (муайян мавзудаги) тадқиқот натижаларини қисқа баён қилиш учун тайёрланадиган, очиқ матбуотда чоп этиш учун мўлжалланган материал;

л) чора – тадбирлар режаси ва бошқалар.

Ҳужжатлаштириш – ёзишмалар, китоблар, журналлар, бланкалар, профилактик ҳисоб ҳужжатлари ва бошқа турдаги ҳужжатларни расмийлаштириш, тўлдириш, қайд этиш ва ёзишдан иборат. Ҳужжатлаштиришда энг муҳим жиҳати уларни тўғри расмийлаштиришни талаб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларида ҳужжатлар билан ишлаш – иш юритиш билан боғлиқ процессуал ҳамда расмий ҳужжатларни қабул қилиш, сақлаш, уларни мазмун ва шакли бўйича мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида расмийлаштиришга доир фаолият.

Туман (шаҳар) ИИБ ҲПБларида қуйидаги китоблар юритилади:

- маъмурий баённома бланкаларини кирим қилиш ва тарқатиш китоби;
- маъмурий назоратга олинганларни қайд қилиш китоби;
- профилактика ишини қайд этиш китоби;
- профилактика инспекторлари томонидан тайёрланган чиқиш ҳужжатларини қайд этиш китоби.

Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканиларида қуйидаги китоблар юритилади:

- ҳуқуқ тартибот масканининг маъмурий ҳудуд паспорти;
 - фуқароларни қабул қилиш китоби; профилактика суҳбатини қайд этиш китоби;
 - ҳуқуқ тартибот масканига хизматга келган ходимларни қайд этиш китоби;
- маҳалла ҳуқуқ тартибот масканиларига келтирилганларни қайд қилиш китоби. Хизмат ҳудудини ва унинг ўзига хос хусусиятларини таърифловчи "Маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани маъмурий ҳудуд паспорти" га маълумотлар ушбу китоб бўлимларида белгиланган тартибда ва муддатларда киритиб борилади. Профилактика инспектори ҳуқуқ-тартибот масканидаги ҳужжатларни юритиш учун маъсул шахс ҳисобланади.

Шуни унутмаслик керакки, маҳалла ва бошқа аҳоли турар жойларида таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини ташкил этишдан қўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам улар негизида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда улар билан ушбу ҳудуддаги жамоатчилик, бошқа давлат органлари ўртасидаги самарали ҳамкорликларни таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳисобланади.

Ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканиларининг фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришга доир олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ИИБ лари туман шаҳар ИИБ бошлиқларининг хизмат бўйича ва ҳуқубузарликларнинг олдини олиш хизмати бошлиқларининг 400 нафари билан ўтказилган анкета сўрови натижаларининг таҳлилишуни кўрсатадаки, ушбу соҳа учун масъул раҳбарлардан 40,1 фоизи ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорликни маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизидаги ҳамкорлик турлари орасида бошқаларига нисбатан муҳимроқ деб ҳисолашган бўлса, 13,8 фоизи ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан бошқа давлат ҳокимияти органларининг ходимлари ўртасидаги ҳамкорликни, 8,9 фоизи ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни бошқаларига нисбатан юқори баҳолашган. Сўровда иштирок этганларнинг 45,5 фоизи маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани негизидаги ҳамкорликнинг барча тури бир хил аҳамиятга егаллигини қайд этишган бўлса, 3,5 фоизи томонидан бошқа фикрлар билдирилган. Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширалаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган максадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг ҳуқуқларни, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда Ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Ўтган давр мобайнида Ички ишлар органлари тизими такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган куйи бўғинини ривожлантириш ва мустахкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш, юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини беради. Бугунги кунда юзага келаётган ҳавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, экстремизм, қонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги ички ишлар органлари олдида ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЎАТИ:

I. Рахбарий адабиётлар

Мирзиёев Ш.А Танқидий тахлил қатий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик хар бир рахбар ходимнинг кундалик қондаси бўлиши лозим Т.Ўзбекистон

Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Халқ сўзи.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. — Т.: «Ўзбекистон», — 488 б

II. Конституция, қонун, президент фармон қарорлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.Ўзбекистон 2022 .

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.Т Адолат 2022.

Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси.Т.Адолат

III.Махсус адабиётлар

И.Исмаилов ва бошқалар ИИО ларининг жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш.Дарслик Т.2022.

Ж.С.Мухторов Милиция ҳуқуқ тартибот маскани ни янни тизимини шакиллантириш ва унинг муоммолари.Т

М.Зиёдуллаев Милиция Махалла ҳуқуқ тартибот масканиларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш.Т